

Ёлғончи аттор



07:10 / 21.08.2019 4663

Ҳажга кетаётган бир киши Бағдодга келди. Унинг ёнида минг динорлик мунчоқ бор эди. Уни сотмоқчи эди, ҳеч ким олмади. Яхшилик билан ном чиқарган бир атторнинг олдига келиб, мунчоқни омонат қолдирди. Сўнг ҳаж қилиб, ҳадялар билан қайтди. Келиб, мунчоқни сўраган эди, аттор унга: «Сен кимсан? Нима ҳақида гапираяпсан ўзи?» деди. «Сенга омонат қолдирилган мунчоқнинг эгасиман», деди у. Аттор у билан гаплашиб ҳам ўтирмай, тепиб-тепиб кўчага ҳайдади. «Менга бундай ёлғон даъво қилишдан уялмайсанми?» деб бақирди. Одамлар тўпланиб, ҳожига: «Шўринг қурғур! Бу яхши одам. Даъво қилишга бошқа одам топмадингми?» дейишди. Ҳайратдан қотиб қолган ҳожи атторга инсофга чақирмоқчи бўлган эди, сўкиб, уриб ташлади. Ниҳоят, ҳожига: «Давлат хизматчисига борсанг, бу ишларни қойилмақом қилиб ҳал қилиб беради», дейишди. Ҳожи бўлган воқеани ёзиб, хизматчига юборди. Хизматчи уни

чақириб, бўлган воқеаларни суриштирди. Кейин, «Атторнинг дўкони олдига бориб ўтир. Агар ҳайдаб юборса, йўлнинг нариги четида ўтир. Эрталабдан кечгача шундай қил. Лекин ҳеч нарса дема. Уч кун ўша ерда ўтир. Тўртинчи куни мен сенинг ёнингдан ўтаман. Яқинингга бориб, сенга салом бераман. Сен мени кўриб, ўрнингдан турма. Фақат саломимга алик олиб, саволимга жавоб берасан, бошқа нарса айтмайсан», деб тайинлади.

Ҳожи унинг айтганидек қилиб, уч кун дўконнинг рўпарасида ўтирди. Тўртинчи куни хизматчи келиб, ҳожининг ёнида тўхтаб, «Ассалому алайкум», деди. Ҳожи қимир этмай, саломга алик олди. Хизматчи: «Эй биродарим, Бағдодга келибсан-у, олдимга кирмабсан-да?» деди. Ҳожи «Шунақа бўлиб қолди-да» деб, гапни чўзиб ўтирмади. Хизматчи у билан савол-жавоб қилгунича унинг ортидан бир тўда аскарлар келиб, улар ҳам дўконнинг олдида тўхташди. Уларни кўрган аттор қўрққанидан ҳушидан кетиб қолди. Бироздан сўнг аскарлар жўнаб кетишди. Аттор югуриб чиқиб, ҳожига қараб, «Оғайни, менга мунчоқни қачон қолдириб кетувдинг? Нимага ўралган эди? Айтиб кўр-чи, балки эсларман?» деди. Ҳожи унга мунчоқни тасвирлаб берди. Аттор туриб, бир кўзачанинг оғзини очган эди, ичидан худди ўша мунчоқ ерга тушди. Аттор уни ҳожига узатиб, «Узр, унутибман. Дарров эслатмаганингда, унутиб қўярканман», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан